

Оила тебратиш йўлида,

Хув олис козокнинг чўлида,

Жон берди ажалнинг кўлида,

Жаннатий, алпкомат ўғлонлар!

Ватанда беозор юргандинг,

Меҳнатга шай холда тургандинг,

Уёкка кайданам боргандинг,

Жаннатий, алпкомат ўглонлар!

Онангинг юраги тўхтади,

Отанг-чи, ёмонам ўхшади,

Мотамда ўзбеклар какшади,

Жаннатий, алпкомат ўглонлар!

Етимлар чиркиллаб йиглади,

Бевалар багрини тиглади,

Нахотки, дунёга сигмади,

Жаннатий, алпкомат ўглонлар!

Кизчалар тентирар ота деб,

Ишонмас, ёлгон бу – хато деб,

Жаннатга йўл олган Худо деб,

Жаннатий, алпкомат ўглонлар!

Эркин КУДРАТОВ,

Мир Араб ўрта махсус ислом

билим юрти мударриси